

Сийрат дарслари (16-дарс)



15:10 / 18.01.2019 7763

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг болаларга муомалалари

* * *

116. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ибн Алийни ўпдилар. У зотнинг ҳузурларида Акраъ ибн Ҳобис Тамимий ўтирган эди. Шунда Акраъ: «Менинг ўнта болам бор. Улардан бирортасини ҳам ўпмаганман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга назар солдилар ва: **«Ким раҳм қилмаса, унга раҳм қилинмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

117. Шаддод ибн Ҳод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом ва хуфтон намозларидан бирида олдимизга чиқдилар. У зот Ҳасан ёки Ҳусайнни кўтариб олган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдинга ўтдилар ва уни ерга қўйдилар. Сўнг намозга такбир айтдилар. Намоздаги саждалардан бирида саждани чўзиб юбордилар. Мен бошимни кўтардим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилган ҳолларида, бола эса у зотнинг орқаларига чиқиб олибди. Саждамга қайтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатганларида одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Намоздаги саждалардан бирида саждани чўзиб юбордингиз, ҳатто биз бирор иш бўлдими ёки сизга ваҳий қилиняптими, деб ўйладик», дейишди. **«Буларнинг ҳеч бири бўлгани йўқ. Лекин ўғлим мени улов қилиб олди. То у ҳожатни қондиргунича шошилтиришни ёқтирмадим»**, дедилар».

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

118. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилаётган эдилар. Бирдан Ҳасан ва Ҳусайн алайҳимассалом устларида қизил кўйлак билан қоқилиб-йиқилиб кела бошлашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбардан тушиб, икковини кўтариб олдилар, олдиларга қўйдилар ва: **«Аллоҳ тўғри айтади: «Албатта, молларингиз ва болаларингиз фитнадир».** **Бу икки гўдакка назар солсам, қоқилиб-йиқилиб келишмоқда, сабр қилолмай, гапимни бўлиб, икковини кўтариб олдим»**, дедилар».

Термизий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

119. Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набиюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Шаҳба» хачирларини у зот, Ҳасан ва Ҳусайн миниб олган ҳолда етакладим. Уларни Набий соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг ҳужраларига киритдим. Буниси олдиларида, униси ортларида эди».

Муслим ривоят қилган.

* * *

120. Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ва Ҳасан ибн Алийни олиб икки сонлари устига ўтқазар ва: **«Аллоҳим, иккисини яхши кўраман. Албатта, иккисини яхши кўраман»**, дер эдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени олиб сонларига ўтқазар эдилар ва Ҳасанни бошқа сонларига ўтқазар эдилар. Сўнг иккимизни қучоқлаб туриб: **«Аллоҳим, иккисига раҳм қиламан. Албатта, иккисига раҳм қиламан»**, дер эдилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан